Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил 7 апрель ШАНБА

№ 27 (12.455)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

## ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ҲАМ ХОЛИС, ҲАМ ИШОНЧЛИ

**Вилоят ҳокимлигида "Жамоатчилик назорати – фуқаролик жамияти шаклланишининг муҳим омили" мавзусида тадбир бўлиб ўтди.**

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишга қаратилган мазкур тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси вакиллари, вилоят адлия, ички ишлар бошқармалари, прокуратура, ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этдилар. Унда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоат ташкилотлари назоратининг тизимли, самарали, ҳуқуқий тамойилини яратиш бўйича фуқаролик жамияти институтлари олдида турган масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбир иштирокчилари жамоатчилик назорати институтининг ўзига хос хусусияти ҳамда жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий тамойиллари билан атрофлича таништирилди. Мазкур соҳадаги қонунчилик тизимининг такомиллашувида Юртбошимиз илгари сурган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" муҳим ўрин тутиши алоҳида эътироф этилди.

Шунингдек, жамоат ташкилотларининг эркин фаолият олиб бориш тамойилларини мустаҳкамлаш, фуқаролик жамияти институтлари манфаатларини ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш, нодавлат нотижорат ташкилотлари ишини янада такомиллаштириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш ва бошқа масалалар Концепцияда белгилаб берилган долзарб вазифалардан эканлиги таъкидланди.

Маълумки, ҳозирги кенг ва қизғин муҳокама қилинаётган Ўзбекистон Республикасининг "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонуни лойиҳаси фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш йўлида мамлакатимиз мустақиллигининг илк кунларидан бошлаб амалга ошириб келинаётган чора-тадбирлар маҳсулидир. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида жамоатчилик назоратига доир 40 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Муҳокама қилинаётган мазкур қонун лойиҳасида жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектлари, назорат предмети ҳамда уни амалга оширишнинг ҳуқуқий тамойиллари аниқ кўрсатилиши орқали мавжуд қонунчиликни яхлит бир тизимга келтиришга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Шу мақсадда тадбирда "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**



## УСТОЗ САБОҒИН ОЛИБ

**Ўзбек миллий чолғу асбоблари устаси Ортиқ Мусаевни зангиоталик барча хонандаю созандалар, мусиқа шинавандалари яхши танишади.**

Устоз қарийб 40 йиллик фаолияти давомида ўнлаб шогирд етиштирди.

– Асбоб ясашда маҳаллий хом ашёдан фойдаланиб, шогирдларимга ҳам шуни тавсия этмоқдаман, – дейди уста. – Чолғу асбобларимиз хорижлик меҳмонларга ҳам манзур бўлиб, ясалиш тарихи билан қизиқишлари бизни қувонтиради.

**Азамат АҲМЕДОВ.**

**СУРАТДА:** Ортиқ Мусаев ўғли Камолиддин ва шогирди Сирожиддинга ҳунар сир-асрорини ўргатмоқда.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

### ЎРТА ЧИРЧИҚ ТУМАНИ

## МАҲАЛЛА АҲЛИГА ТУҲФА

**"Қизил Ярим Ой" жамияти туман бўлими Ҳамид Олимжон маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда кўп болали оила бекаларидан бир гуруҳининг Тошкент шаҳрига саёҳатини уюштирди.**

Улар Муқимий номидаги мусиқали драмма театрида Мустаҳкам оила йили муносабати билан саҳналаштирилган "Телба хонадон" спектаклини томоша қилишди.

– Ушбу саҳна асарида кўтарилган асосий масала – оиладаги тинчлик, тотувлик, меҳр-оқибат, қайнона-келин муносабати, ўйлаймanки, томошабинларни чуқур мушоҳадага чорлайди, – деди уй бекаси Марҳамат Раҳматова. – Бунинг учун ҳомий ташкилотларга миннатдорчилик билдирамиз. Бу каби тадбирлар анъанавий тус олишини истардик.

**Моҳира РАСУЛОВА.**

### БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИ

## ЗАМОНАВИЙ КОМПЬЮТЕР СИНФИ

**Тумандаги Ал-Фаробий номли кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оила фарзандларига мўлжалланган 6-мактаб-интернатга янги компьютерлар олиб келинди.**

– Электрон ресурслардан кенг фойдаланиш учун интернатимизга замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг тақдим этилиши дарслар сифатини янада яхшилаш, ўқувчилар билим салоҳиятини оширишдек эзгу мақсад рўёбига хизмат қилади, – дейди мактаб-интернат директори Қ. Мирзамуродов.

**Суннат МУСАМЕДОВ.**

### ПАРКЕНТ ТУМАНИ

## ЎЗБЕГИМНИНГ «ЕТТИ ГЎЗАЛИ»

**Агросаноат ҳамда тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида "Ораста қизлар" кўрик-танлови ўтказилди.**

Бўлғуси уй бекаларининг уй-рўзғор тутишдаги қобилият ва лаёқатлари ҳакамлар ҳайъати ва томошабинларга маъқул бўлди. Айниқса, агросаноат касб-ҳунар коллежи маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Шаҳноза Хўжаева раҳбарлигидаги "Етти гўзал" жамоасининг тикувчилик, тўқувчилик ва пазандалик сирларини яхши ўзлаштирганлиги барчани мамнун этди.

Фахрли 1-ўринни эгаллаган "Етти гўзал" энди танловнинг вилоят босқичида иштирок этади.

**Саида РАҲМОНОВА.**

## МУСТАҲКАМ ОИЛА – АРМИЯ ТАЯНЧИ

**Пойтахтдаги Марказий офицерлар уйида "Соғлом ва мустаҳкам оила – армия таянчи" мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

Мудофаа вазирлиги, Тошкент ҳарбий округи ҳарбий прокуратураси, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Республика "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан ташкил этилган тадбирда соҳанинг етакчи экспертлари, Олий ҳарбий таълим муассасалари ўқитувчи ва тингловчилари, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мустақиллик энг улуғ, энг азиз қадрият сифатида халқимизнинг маънавий юксалишида ҳал қилувчи мезон бўлиб келмоқда. Энг муҳими, мустақиллик халқимиз онгу тафаккурида туб бурилиш ясади. Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлига кириши, айни пайтда, ўзбек халқининг маданий ҳамда маънавий-маърифий юксалиши, унинг дунё халқлари билан тенглар ичра тенг бўлиб тараққий этиши учун кенг йўл очди. Бу эса ўз навбатида юрт осойишталиги, чегаралар дахлсизлиги билан боғлиқ албатта.

Тадбирда жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, қўлга киритилаётган ютуқлари, маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни олиб боришда ҳамда яқин келажак ва истиқболдаги ишларнинг амалга оширилишида ҳарбий соҳа бошқарув идоралари раҳбар ходимлари олдида турган долзарб вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.

**Алиёр ОРИПОВ, "Туркистон-пресс".**

### 9 АПРЕЛЬ – АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

**Тарихда кўплаб буюк шахслар ўтган. Улардан бири – тенгсиз азму шижоати, мардлик ва донишмандлиги билан дунё аҳлини лол қолдириб, йирик марказлашган давлат барпо этган, илм-фан ва маданият ривожининг раҳнамоси Соҳибқирон Амир Темурдир.**

## УЛКАН РУҲИЙ КУЧ-ҚУВВАТ МАНБАИ

"Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак", деган эдилар Юртбошимиз.

Амир Темур ибн Амир Тарағайнинг миллий давлатчилигимизни барпо этишдаги хизматлари беқиёс. Унинг халқ озодлик ҳаракатига етакчилик қилиб, қадимий ватанимиз Туронни чингизийлар империясининг бир ярим аср давом этган зулмидан озод этишда кўрсатган жасорати миллат тақдирида ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Буюк давлат арбоби Ҳиндистон ва Хитойдан Қора денгизга қадар, Орол денгизидан Форс қўлтиғига қадар ғоят улкан ҳудудни қамраб олган буюк давлат барпо этди. 35 йил давомида мамлакатни бошқарди. Соҳибқирон ворислари бўлган темурийзодалар салкам беш юз йил давомида шу улкан салтанатга ҳукмронлик қилди.

(Давоми 3-бетда).

### САЛОМАТЛИК ДАСТУРИ

**Ҳар қандай миллатнинг асосий бойлиги оналар ва болаларнинг саломатлигидир. Шу боис, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш миллат келажагини ҳимоялаш демак.**

## ОНА ВА БОЛА СОҒЛИҒИ – МИЛЛАТ БОЙЛИГИ

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурининг 44-бандида имконияти чекланган ва кам таъминланган оилаларда туғилган тиббий ёрдамга муҳтож болаларни соғломлаштиришга кўмаклашиш, Германия клиникаларида даволаш, қўл-оёқ, бўйин-умуртқа тизими шикастланган болаларга мамлакат клиникаларида жарроҳлик ёрдами кўрсатиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш зарурлиги алоҳида кўрсатилган. Бу муҳим вазифани бажаришга нодавлат нотижорат ташкилотлари, хусусан, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси муносиб ҳисса қўшмоқда.

"Соғлом авлод учун" халқаро жамғармаси республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Германиянинг "Фриденсдорф Интернейшнл" халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда имзоланган битимга мувофиқ бемор болаларни нуфузли чет эл клиникаларида даволаш юзасидан махсус дастур ишлаб чиқиб, изчил амалга оширмоқда. Жумладан, шу йилнинг биринчи чорагида лаб-танглай туғма нуқсони бор 113 болага "Фриденсдорф Интернейшнл" халқаро ташкилотининг 20 миллион 884,5 минг сўм маблағи ҳисобига жарроҳлик муолажаси кўрсатилди.

Ушбу халқаро ташкилот вакиллари шу йил 4-9 апрель кунларида Тошкент шаҳри ва вилоятларда бемор болаларни тиббий кўрикдан ўтказишмоқда. Кўрик натижаларига мувофиқ энг оғир бемор болалар шу йил август ойида Германиянинг нуфузли клиникаларида даволанишлари учун 6 ойдан 3 йилгача муддатга жўнатилади.

**Ўз мухбиримиз.**

### БУГУННИНГ ГАПИ

## ҲАР ДАҚИҚАНИ ҒАНИМАТ БИЛИБ

*чигит экаётган вилоятимиз фермерлари суръатни кун сайин кучайтирмоқдалар*

Кўкламнинг бир куни йилни боқади, дейди халқимиз. Фермерларимизнинг ёғинсиз кунларни ғанимат билиб, экиш суръатини тобора ошираётганлари шундан. Чигитни қисқа муддатда сифатли экиб олган фермер ҳам эрта, ҳам текис кўчат олади, гектарлар тўлиқ бўлади. Бу мўл ҳосилга аввалбошданоқ пухта замин яратилди деган гап. Буёғи вақтида ва сифатли ишлов беришга боғлиқ.

Шу боис, ҳозир вилоятимизнинг ҳамма пахтакор туманларида чигит экиш қизғин паллага кирди. Барча туманлар кунлик экишда белгиланган жадвалдан анча илгарида бормоқда. Айниқса, Қуйи Чирчиқ тумани фермерлари бу мавсумда бошқаларга нисбатан отни анча тез қамчилаяпти. Улар бу йил 14 минг 47 гектар майдонда пахта етиштиришни режалаштиришган. Далаларда олдиндан режалаштирилган 117 та сеялканинг ҳаммаси эрта тонгдан кеч қоронғисигача юксак унум билан ишлатилаяпти. Шу сабабли кунига режадаги 800 гектар ўрнига ўртача 1440 гектар ерга барака уруғи қадашга улгурилмоқда. Бешинчи апрель ҳолатига 2719 гектар майдонга чигит экиб бўлинди. Бу мўлжаллanganидан 1309 гектар кўпдир.

Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Пискент ва Чиноз туманлари фермерлари ҳам кунлик суръатни ошириб, белгиланганидан икки ҳисса кўп майдонга уруғ қадашга улгурмоқдалар. Хусусан, Ўрта Чирчиқ ва Юқори Чирчиқ туманида 5 апрелгача пахта учун ажратилган майдонларнинг бешдан бирига чигит экиб бўлинди.

– Ҳақиқатан ҳам экиш суръати ҳар йилгидан юқори, – дейди вилоят ҳокимлигининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича котибияти бош мутахассиси Ҳакимжон Муродов. – Бу бежиз эмас. Аввало, экиш отряд усулида олиб борилаяпти. Махсус тузилган 319 та отрядга 108 та кўчма ёнилғи қуйиш транспорти, 128 та кўчма устахона бириктирилган. Бир сўз билан айтганда, экишда қатнашаётган техникаларга ёнилғи қуйиш ва зарурат туғилганда таъмирлаш ишлари, ҳатто тушлик танаффус ҳам бевосита дала бошига кўчирилган. Ҳозир кунлик экиш суръати 9 фоизга чиқди. Мақсад – ёғинсиз кунлардан самарали фойдаланиб, экишни кечи билан 15 апрелгача якунлаш.

Бош мутахассиснинг таъкидлашича, бу йил вилоятда 91 минг 500 гектар майдонга чигит экиш режалаштирилган. Бугунги кунда жадвалда белгиланган 4902 гектар ўрнига ўртача 8510 гектар майдонга уруғ қадалмоқда. Далаларга ҳар куни 870 атрофида сеялка олиб чиқилмоқда. Ҳар бир сеялканинг кунлик иш унуми ўртача 9,8 гектарга тўғри келаяпти.

**Самад ЙЎЛДОШ.**



**СУРАТДА:** Ўрта Чирчиқ туманидаги "Тўққиз овул" фермер хўжалиги раҳбари Ўктам Суттибоев 52 гектар майдонга чигит экишни якунлаш арафасида.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 237-21-93; 237-16-24 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

ЭКОЛОГИЯ

# ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ОҚИБАТЛАРИ

**Ҳозирги кунда жаҳон ҳамжамияти тан олган глобал, минтақавий, миллий ҳамда маҳаллий экологик муаммолар бутун инсониятни ташвишга солмоқда. Жумладан, фақат иқлим ўзгаришининг ўзи табиий йўсинда бошқа қатор муаммоларни келтириб чиқаради.**

Иқлим ўзгаришининг ижтимоий-иқтисодий ва экологик оқибатлари масаласида Марказий Осиё таъсирчан минтақа ҳисобланади. Олимларнинг башоратларига кўра, ҳароратнинг 1-2 даража кўтарилиши қорларнинг эриши ҳисобига дарёларнинг тўлишига олиб келса, 3-4 даража ошса, тоғлардаги музларнинг эриши натижасида сув захиралари ҳозиргидан 40 фоиз камайиб кетишига сабаб бўлиши мумкин.

"ЭКОСАН" халқаро жамоат фонди республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда Сергели тиббиёт касб-ҳунар коллежида Бутунжаҳон саломатлик кунига бағишлаб, ўқитувчи ва ўқувчилар иштирокида ташкил этган учрашувда шу мавзуда сўз борди. Маърузаларда таъкидландики, атроф-муҳит муҳофазасига қаратилган дастурларнинг изчил бажарилиши натижасида ҳавони ифлослантирувчи моддалар чиқариш камайиб бораётгани кузатилмоқда. Иқлим ўзгаришлари тўғрисидаги Киото протоколи доирасида бир қатор йирик кимё корхоналари, жумладан, "Максам-Чирчиқ" очиқ акциядорлик жамиятида ҳавога азот оксиди чиқишини камайтирувчи янги технологиялар ўрнатиш якунланди. Қуёш батареялари ва биогаз ускуналарини тайёрлаш, ўрнатиш ва ишга тушириш давом эттирилаяпти.

"ЭКОСАН" халқаро жамоат фонди Орол денгизи фожиасига бағишлаб кинолентага туширган "Харитага кирмаган саҳро" ҳужжатли фильми учрашув қатнашчиларига намойиш этилди.

Учрашув коллеж боғида дарахт экиш ва ўқув муассасасига "ЭКОСАН" совғаси – экологияга оид харита, турли плакат ва китоблар ҳадя этиш билан якунланди.

**Ўз мухбиримиз.**

# МАҲАЛЛА ОИЛАВИЙ БИЗНЕС МАРКАЗИ

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес марказига айлантириш борасидаги устувор вазифалар" мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.**

Мустаҳкам оила йилида хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес ва халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлашда маҳалланинг роли янада кучайиб бораётир. "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантиришга жиддий эътибор қаратиш лозимлиги алоҳида таъкидланган.

Бугунги кунда юртимизда 4 миллиондан ортиқ оиланинг 495 минг гектар томорқа ери бор. Хонадонларда 7 миллиондан ортиқ қорамол боқилмоқда, уларнинг 4 миллионга яқини соғин сигирлар. Ҳозир сабзавот, мева, полиз ва чорвачилик маҳсулотларининг асосий қисми айнан аҳоли томорқасида етиштирилаяпти.

Анжуман иштирокчилари маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес марказига айлантиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган муҳим вазифаларга алоҳида тўхталдилар.

Тадбир якунида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

**Умида ШУКУРОВА.**

**Ер сайёрасидаги биохилма-хиллик даражаси табиатнинг тўкислигини белгилайди. Она табиатдаги биохилма-хиллик эса, инсоният ҳаёти тўкислигининг муҳим шарти. Шу боис табиатни нафақат авайлаб-асраш, балки уни гуллаб-яшнатиш ва келажак авлодларга тўкислигича қолдириш инсоннинг азалий бурчи бўлиб келган ва бу саъй-ҳаракатлар мудом давом этаверади.**

# БИОХИЛМА-ХИЛЛИК — ТЎКИСЛИК

Бироқ, табиатни муҳофаза қилишга ҳамма бирдек масъулият билан қараяпти, деб бўлмайди. Табиат бойликларидан шахсий манфаати йўлида фойдаланишга уриниб, ноёб ўсимлик ва ҳайвон турларига қирон келтираётган, табиий мутаносиблик ва мувозанатни бузаётганлар ҳам оз эмас. Аслида Ўзбекистон Республикаси "Қизил китоб"и табиат бойликларини ана шундай масъулиятсиз, қонунбузар кимсалардан муҳофаза қилиш ва кенг жамоатчилик эътиборини шу муҳим масалага жалб этиш мақсадида ташкил этилган.

Масалан, "Қизил китоб"нинг 4-нашрига йўқ бўлиб кетиш арафасида турган ноёб антилопа – сайғоқ ҳам киритилди. Бу гўзал жонзотлар камайиб кетганининг асосий сабаби шуки, уларнинг шоҳи анъанавий Хитой табобатида кенг қўлланилади. Вазирлар Маҳкамасининг "Биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш устидан назоратни кучайтириш тўғрисида"ги қарорига кўра, битта сайғоқни ноқонуний йўқ қилган кишига энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари, чет эл фуқароларига эса 10 минг АҚШ доллари миқдорида жарима солинади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 202-моддасига мувофиқ сайғоқларни ноқонуний ов қилганлик учун 3 йилдан 5 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилинади.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида тегишли соҳа олимлари, эколог ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтказилган матбуот анжуманида шулар ҳақида гап борди. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда "CHINOR" экологик нашриёт компанияси уюштирган анжуманда журналистлар ўртасида табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланишни таъминлашга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган анъанавий танловнинг "Қоплон – 2012" босқичи бошлангани эълон қилинди. Таъкидландики, ушбу долзарб мавзунинг матбуотда кенг, изчил ва малакали ёритилиши давлат, жамоат ҳамда халқаро ташкилотларнинг экологик муаммоларни ҳал этишдаги ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтиради.

**Ўз мухбиримиз.**



Янгиланиш ва яшариш фасли – баҳор ўлкамизга ташриф буюриши билан маҳалла, корхона ва хўжаликларда анъанага айланган ободонлаштириш ойлиги бошланди. Бу хайрли тадбирлар Юқори Чирчиқ тумани маҳаллаларида, айниқса, фаол ўтказилмоқда. Чунончи, "Болта" маҳалласида олиб борилаётган ишлар қизғин.

– Майдонлар, ариқ ва зовурлар тозаланди, – деди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ихтиёр Манасов. – Йўл бўйларидаги терак ва дарахтлар оқланди. Кўчат экиш бошлаб юборилди. 500 та терак, 400 та манзарали, 4 мингта мевали дарахт, 500 та анор кўчатлари режа асосида экилмоқда.

– 214 та фермер хўжалиги ҳудудидаги 681 километр узунликдаги ариқлар тозаланди, – дейди Паркент – Қорасув ирригация тизими бошқармаси Юқори Чирчиқ бўлими бошлиғи Жамшид Ибраев. – Ағанай, Паркент, Тўқимбой, Бойовул – Сасбақа, Ҳандам каналларини тозалаш тугалланиб, сув юборила бошланди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**СУРАТДА:** Юқори Чирчиқ сув тизими бўлими бошлиғи Жамшид Ибраев ва "Фарадис Хирмони" фермер хўжалиги раҳбари Ботир Бозорбоев сув тақсимоти иншоотини кўздан кечиришмоқда.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

# «НИҲОЛ» МУКОФОТИ САРАЛАШ БОСҚИЧЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан таъсис этилган "Ниҳол" мукофоти истеъдодли ёшларнинг жамиятимиз маънавий ҳаётини юксалтиришдаги муҳим ўрнини инобатга олиб, ўзининг мусиқа, матн ва ижро маҳорати билан одамларнинг юрагига етиб борадиган, эзгуликка чорлайдиган, ирода ва имон-эътиқодини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган асарлар яратишда фаоллик кўрсатаётган 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган иқтидорли ёшларни мунтазам рағбатлантириб бориш мақсадида берилади.

"Ниҳол" мукофотининг биринчи – туман-шаҳар саралаш босқичи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида жорий йилнинг апрель-май ойларида, иккинчи – вилоят саралаш босқичи октябрь-ноябрь ойларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказларида ва Тошкент шаҳрида ўтказилади. Номзодларнинг ҳужжатлари жойлардаги маданият ва спорт ишлари бўлимлари томонидан қабул қилинади.

**Ташкилий қўмита.**

# ЯНГИ ТИЗИМ

**Мамлакатимизда "SKM-MUZEY" янги автоматлаштирилган тизими амалиётга жорий этилади.**

Ушбу тизим республикамиздаги барча музей ва уларда сақланаётган экспонантлар, тарихий ашёлар ҳақида маълумотлар жамланган ягона миллий электрон каталогни ташкил этиш имконини беради.

Маълумотлар базасида музейлардаги экспонатлар тасвири, илмий-техник тузилиши, суғурта нархи ва бошқалар тўғрисидаги ахборотлар сақланади.

**"Туркистон-пресс".**

ДЕПУТАТ ВА ҲАЁТ

**Халқ депутатлари Зангиота туман кенгаши қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича доимий комиссиясининг мажлисида навбатдаги иш режалари кўриб чиқилаётган эди. Киритилаётган таклифлардан комиссия аъзолари мажлисга олдиндан пухта тайёргарлик кўришгани, сайловчилар фикр-мулоҳазаларини ўрганиб, аниқ таклифлар билан келишгани сезилиб турарди. Чунончи, уларнинг таклифи билан амалдаги қонунларнинг таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлардаги ижроси устидан депутатлик назоратини кучайтиришга доир вазифалар 2012 йил иш режасига киритилди.**

# САМАРА — ҲАРАКАТДА

– Сайловчилар билан сўнгги учрашувларда йўловчи транспорти хизматини яхшилаш, янги йўналишлар очишга доир мулоҳазалар билдирилди, – деди депутат Анвар Эргашев. – Жумладан, "Жанубий вокзал – Назарбек" оралиғида қатновчи 134-автобус йўналишини темирйўл санаторийси орқали тиббиёт коллежигача узайтириш вақти келди. Тўқимачилик комбинати билан Назарбек оралиғида қатнаётган 135-автобус йўналишини ҳам "Найманча – Ғиштчи" маҳалласигача узайтиришни таклиф қилишаяпти. Туманимиз ҳудуди кенгайиб, одамларнинг Келес шаҳрига келиб-кетиши анча мушкуллашди. Шуни ҳисобга олиб, транспорт хизмати кўрсатишни ташкил этувчи вилоят идоралари олдига Зангиота зиёратгоҳидан Эркин, Қаҳрамон, Далигузар, Эшонгузар қишлоқлари орқали туман марказига қатновчи янги йўналиш очиш керак.

Сайловчиларнинг муаммоларини ҳал қилиш юзасидан аниқ таклифлар киритган Анвар Эргашевнинг депутатлик фаолияти бизни қизиқтириб қўйди. У туман кенгашига 8-Назарбек-Найман сайлов округидан сайланган экан.

– Депутатликка номзодим Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси туман кенгаши томонидан кўрсатилган, – деди у. – Дастлабки сессияда шу доимий комиссия аъзолигига сайландим. Иш кўлами кенг. Сайловчиларни қабул қилиш, улар билан учрашувлар чоғида янги-янги масала ва муаммолар ўртага қўйилади. Сўнгги бир йилда 103 сайловчини қабул қилдим. Ўттизта мурожаатнома кўриб чиқиб, ҳал қилинди. 73 та мурожаатнома юзасидан тегишли идоралар бошлиқларига сўровномалар юборилди.

Сайловчилар ўз депутатларига кўпроқ коммунал тўловлар, маҳаллаларга қўшимча газ қувурлари тортиш, ичимлик суви таъминотидаги қусурлар, йўлларни таъмирлашга доир масалалар юзасидан мурожаат қилишади. Депутат турли ташкилот ва корхона раҳбарлари бу масалаларни вақтида кўриб чиқиб, ҳал қилишига эришяпти. Охунбобоев, "Бешкўрғон", "Мевазор", Фаробий маҳаллаларидаги ички йўллар таъмирланди. Дўстлик кўчасининг бир қисми асфальтланди. "Алоқа", "Назарбек", Фаробий маҳаллаларида 5 километрли ички кўчаларга чироқлар ўрнатилди. "Найман" маҳалласида газ тақсимлагич ўрнатилди. Шу кунларда яна учта маҳаллада шундай қурилма ўрнатиш тараддудидаги кўриляпти.

Анвар Эргашев хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қонун, фармон ва қарорларнинг ижросига алоҳида эътибор қаратаётир. Унинг бевосита ёрдами билан Амир Темур ва Мустақиллик кўчаларида хусусий тадбиркорлар озиқ-овқат дўконлари очишди. Назарбек шоҳкўчасида гўзаллик салони иш бошлади. Оҳак ишлаб чиқариш цехи қурилди. Янги компьютер марказида ўқув-машғулотлари олиб борилаяпти. Бу янги иш жойларига бугунгача 50 га яқин киши қабул қилинди.

– Сайлов округидаги қишлоқ ва маҳаллаларда 8 мингдан ортиқ ўсмир яшайди, – сўзини давом эттирди депутат. – Олтита мактаб ва 9 та маҳаллада ўсмирлар тарбиясига оид давра суҳбатлари ўтказдик. Кичик корхона ва хусусий тадбиркорларни болалар меҳнатидан фойдаланишнинг қонунчилик асослари билан таништираяпмиз.

Назарбекда баркамол авлодни тарбиялаш шарт-шароитлари яхшиланиб бораяпти. Агросаноат коллежи қурилди. "Алоқа" маҳалласида ёшлар ижодиёти маркази очилди. "Назарбек" спорт комплексида болалар миллий кураш билан шуғулланишмоқда. "Наврўз" маҳалласида спорт майдончаси барпо этилди. Депутат Анвар Эргашев уларда бўлиб, машғулотлар савиясини оширишга кўмаклашяпти.

– Сайловдан кейин ўтган икки йил халқимиз Анвар Эргашев номзоди учун овоз бериб янглишмаганлигини кўрсатди, – дейди Назарбек қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Шавкат Йўлдошев. – У депутатлик мақомидан фойдаланиб, маҳаллаларни ободонлаштириш, газ, ичимлик суви таъминоти, транспорт хизмати яхшиланишига ҳисса қўшаяпти. Йўлларни таъмирлашга ёрдамлашмоқда. Шу кунларда депутатимиз автобус йўналишларини узайтириш ҳаракатида.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

КОНЦЕПЦИЯ

# ҲАР БИР ЛОЙИҲАДА АҲОЛИ МАНФААТИ МУЖАССАМ

**Бугун юртимизда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёни изчил давом этмоқда. Фуқароларнинг мамлакатни бошқаришдаги ролини кучайтиришни асосий ўринга қўядиган "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини фаоллаштиришни ҳаётнинг ўзи кун тартибига тобора қатъий қилиб қўймоқда. Бу амалда фуқаролик жамияти институтларининг бутун тизимини ривожлантириш ҳамда унинг мамлакатни, маъмурий-ҳудудий тузилмаларни бошқариш жараёнига уйғун интеграциялашувини англатади.**

Мамлакатимизда фуқаролик институтларини шакллантириш ва эркин ривожлантириш, уларнинг жамиятни демократик ўзгартириш ва либераллаштиришда фаол иштирок этишини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий кафолатларини яратиш юзасидан кўламли ишлар амалга оширилаяпти. "Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да таъкидланганидек, фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда. Концепцияда бу йўналишда "Ижтимоий шериклик тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги янги қонунлар, атроф-муҳитни ҳимоя қилишни таъминлаш тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг роли ва ўрнини белгилашга қаратилган "Экологик назорат тўғрисида"ги Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва бошқа қатор қонун ҳужжатларини қабул қилиш белгилаб берилди.

Шунингдек, ҳозир амалда бўлган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида" ва "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунларга фуқаролар ижтимоий фаоллигини кучайтиришда маҳалланинг аҳамияти ва роли ошишини таъминлайдиган ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш кўзда тутилмоқда.

Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича изчил ишлар олиб борилаяпти. Чунончи, Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва унинг маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси тузилгани муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу фонд "учинчи сектор"нинг ижтимоий фаоллиги, хусусан, уларнинг ҳудудларни ривожлантириш дастурларини амалга оширишдаги ролини кучайтирди. Буни Парламент комиссияси шу мақсадда 2011 йилда 5 млрд. сўм маблағни давлат гранти, субсидия ва ижтимоий буюртма шаклидаги 230 дан ортиқ лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирганида ҳам кўриш мумкин. Экология ҳамда атроф-муҳитни асраш, соғлиқни сақлаш, тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш, оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш, уларнинг эркинлигини мустаҳкамлаш йўналишида 1200 га яқин лойиҳа рўёбга чиқарилди.

2012 йилда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини рағбатлантириш, уларнинг фаоллигини ошириш, жамиятда ижтимоий шерикликни кучайтириш мақсадида Парламент комиссияси 6 млрд. сўм миқдорида маблағ ажратишни кўзда тутмоқда. Бу маблағлар нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг мамлакат ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишга қаратилган лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилади. Натижада "учинчи сектор" билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўзаро ижтимоий шериклиги янада кучаяди.

Энг муҳими, ушбу маблағларни беришга қаратилган танловларда ёшлар ва аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларни ҳуқуқий, ижтимоий ҳимоя қилиш, республикамизнинг узоқ қишлоқ ҳудудларида оилавий бизнес, касаначилик, хусусий тадбиркорликнинг бошқа турларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

**Искандар РАҲИМОВ, адлия бошқармаси масъул ходими.**

СТАТИСТИКА ТИЗИМИ

# ТАРАҚҚИЁТ КЎЗГУСИ

**Мамлакатимизнинг барча соҳалардаги ўсиш ва тараққиёт босқичлари давлат статистикаси маълумотларида ёрқин ифода топади. Бу соҳа тобора такомиллашиб, қонунчилик асослари ҳам мустаҳкамланмоқда.**

Давлат статистикасининг ягона мақсади ижтимоий-иқтисодий жараён ва уларнинг натижалари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, таҳлил этиш, жаҳон андозаларига мос халқаро стандартлар асосида такомиллаштириб боришдан иборат.

Шу мақсадда 2011 йил декабрда Ўзбекистон Республикасининг "Давлат статистикаси тўғрисида"ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун қабул қилинди. Унинг меъёрлари давлат статистикаси идораси ваколатларига аниқлик киритишга қаратилган. Бу давлат статистикаси соҳасида ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, давлат статистика кузатувлари услубиятини яратиш, жорий этиш ҳамда тезкорлик, ишончлилик ва холисликни таъминлаш, шунингдек, статистика ахборотидан фойдаланишнинг эркин, очиқ, янада самарали тизимини яратишга хизмат қила бошлади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Эндиликда хусусий секторнинг жадал ривожланиши учун кенг йўл очилди, хўжалик юритувчи субъектлар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Статистик ҳисобот топширувчи субъектларнинг кўпайиши маълумотларни йиғишда замонавий услуб ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишни талаб қилаётир. Шундан келиб чиқиб, халқаро статистика амалиётини ҳисобга олган ҳолда замон талабларига мос кузатув услублари жорий этилмоқда. Албатта, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат статистика органлари тизимининг дастурий-техникавий таъминоти ва кадрларининг профессионал малакаси даражасини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори давлат статистика идоралари фаолиятига илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишда дастуриламал бўлди. Замонавий дастурий-техникавий воситалар, компьютер ҳамда коммуникация ускуналари статистика маълумотларини тўплаш тизимини такомиллаштиришда қўл келмоқда.

Қонуннинг 6, 11-моддаларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, албатта, хўжалик юритувчи субъектларнинг, жумладан, кичик корхона ва микрофирмаларнинг молия-хўжалик фаолиятига аралашувларни қисқартириш ва улар фаолиятига асоссиз аралашувларни бартараф этишга ёрдам бераяпти. Шунингдек, Қонуннинг 6-моддасига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар турли хил фаолият билан шуғулланаётган хўжалик юритувчи субъектлар статистика кузатувининг қайси турига мансублигини ва давлат статистика идораларининг статистик кузатув ўтказиш ҳуқуқларини аниқ белгилаб беради. Айтмоқчимизки, статистика ҳисоботини давлат ва хўжалик бошқаруви, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари, банк ҳамда бошқа юридик шахслар тақдим этади. Бевосита статистика кузатувлари сўровлар, анкеталар ва жисмоний шахслар, шу жумладан, якка тартибдаги тадбиркорларнинг фаолиятини ўрганишда қўлланилади. Уларнинг натижалари келгусидаги макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш ва баҳолаш учун асос бўлади.

Бугунги кунда замонавий халқаро статистика амалиётида маълумотларни йиғишнинг илғор усулларини жорий этиш кенгаймоқда. Хўжалик юритувчи субъектлар статистика ҳисоботини электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда Интернет тармоғи орқали тақдим эта бошладилар. Эндиликда давлат статистика органлари 22 турдаги давлат статистика ҳисоботлари шаклларини электрон имзо билан қабул қилишни йўлга қўяётир.

Қонуннинг 13-моддасига киритилган қўшимча статистика маълумотларини электрон шаклда йиғишнинг илғор усулларини жорий этиш ва маълумотларни тайёрлаш тезлигини ҳамда сифатини оширишга кенг имкон яратади. Бу усул кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг статистика органларига маълумотлар ҳамда ҳисоботларни топшириш механизмини такомиллаштиради ва қулай шарт-шароитлар яратади.

Хулоса қилиб айтганда, Қонун давлат статистика тизими фаолиятининг самарадорлигини, маълумотларининг тезкорлиги ва сифатини янада оширишга хизмат қиляпти.

**Хошимхон ШАРОФХОНОВ, Бўка туман статистика бўлими ходими.**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | Барча турдаги коммунал тўловларини қабул қилади | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 233-57-47 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

## 9 АПРЕЛЬ – АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

Буюк бобокалонимиз нафақат давлат қурилиши ёки ҳарбий соҳадаги беназир ислоҳотчи, илм-фан ёки адабиётнинг тенгсиз ҳомийси, улкан бунёдкорликлар раҳнамоси, балки, халқ манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратган, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий жиҳатдан кучли давлат тизимини барпо этган даҳо сифатида ҳам дунё аҳлини ҳанузгача лол қолдириб келмоқда.

Мустабид тузум ҳукмронлиги даврида Амир Темур шахси ва фаолиятига адолатсизлик билан ёндошилиб, бирёқлама баҳо бериб келинди. Фақат давлатимиз раҳбарининг доно сиёсати ва бевосита раҳнамолигида мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ тарихий ҳақиқат қарор топиб, Соҳибқироннинг шахси ва фаолиятини ўрганиш, унинг меросини абадийлаштириш юзасидан улуғвор ишлар амалга оширилди. Хусусан, 1993 йил 31 августда мустақиллигимизнинг икки йиллиги арафасида, пойтахтимиз Тошкентнинг қоқ ўртасида Соҳибқирон Амир Темур ҳайкали очилди.



# УЛКАН РУҲИЙ КУЧ-ҚУВВАТ МАНБАИ

Президентимиз ташаббуси билан 1996 йилни юртимизда "Амир Темур йили" деб эълон қилинишида ҳам ўзига яраша маъно ва мазмун бор. Энг аввало бу буюк саркарда, жаҳон цивилизацияси тараққиётига катта ҳисса қўшган, миллий давлатчилигимиз пойдеворини барпо этган буюк аждодимизга бўлган эҳтиром намунасидир. Шу йили юртимизда Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди. Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларининг марказий майдонларида ҳам Амир Темурга ҳайкал ўрнатилди, "Амир Темур" ордени таъсис этилди. Шунингдек, муҳтарам Юртбошимизнинг бевосита ташаббуси билан Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси ташкил этилди.

Буюк Соҳибқироннинг ҳаёти, давлат тузиш ва салтанатни юритиш тажрибалари мужассамланган "Тузуклар"и бугунги кунда миллий давлатчилигимиз тарихининг мумтоз намунасига айланди. Миллий маданий меросимизнинг ноёб намунаси бўлган "Темур тузуклари" мустақиллик йилларида қайта таҳланиб, бир неча бор нашр этилди.

2011 йили юртимизда Амир Темур таваллудининг 675 йиллиги кенг нишонланди. Ушбу улуғ айём арафасида Юртбошимиз таклифига кўра, бу китоб мукаммал ҳолда, янгидан чоп этилди. Китоб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг сўзбошиси билан бошланади. "Шахсан мен, – дейилади сўзбошида. – Соҳибқирон бобомиз бизга мерос қилиб қолдирган "Тузуклар"ни ўқисам, худдики, ўзимга қандайдир катта руҳий куч-қувват топгандек бўламан. Ҳар бир сатри бир умр эл-юрт, салтанат ташвиши билан яшаган фидойи инсон, улкан давлат арбобининг кенг миқёсдаги ўй-фикрлари, ҳаёт ва кураш тажрибаси, мушоҳадаси, баъзан эса дардли ва изтиробли кечинмалари билан суғорилган бу асарда қандай теран маъно мужассам эканини маърифатли, зукко китобхон яхши англайди, албатта.

Мен ўз иш фаолиятимда бу китобга такрор-такрор мурожаат қилиб, ундаги ҳеч қачон эскирмайдиган ҳаёт ҳикматларининг қанчалик тўғри эканига кўп марта ишонч ҳосил қилганман".

Дарҳақиқат "Темур тузуклари" миллий давлатчилигимизнинг мумтоз намунаси бўлиб, фалсафий мушоҳадалар, ҳаётий хулосаларга бой қомусий асардир.

Буюк саркарда Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти уммон каби чексиз. Амир Темур – бизнинг фахримиз, ғуруру ифтихоримиз.

**Муҳаббат ШОЮСУПОВА,**
**Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси вилоят бўлими бошлиғи.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

## ОГОҲЛИК

# КЕНГ ФИКР ОЛИШУВ

**Янгийўл туманида "Мақсадимиз – ёшларни ёт ғоялардан асраш!" шиори остида давра суҳбати ўтказилди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси "Истиқбол" ёшлар қаноти ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда асосий эътибор ёшларни бузғунчи ғоялар, зарарли қарашлар ва ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш, уларнинг онгида ғоявий иммунитет ва миллий истиқлол ғояларига садоқат ҳиссини кучайтириш масалаларига қаратилди.**

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зиёвуддин Мансуровнинг "Глобаллашув жараёнида ёшлар маънавиятига таҳдид – келажагимизга таҳдиддир" мавзусидаги суҳбати йиғилганларда алоҳида қизиқиш уйғотди. Шунингдек, Тошкент давлат ислом университети декани Улугбек Ғафуров билан вилоят ички ишлар бошқармаси бўлими бошлиғи Маҳамадали Исмоилновнинг маънавият, диний экстремистик ва миссионерлик оқимларига қарши тарғибот масалаларига бағишланган маърузалари ҳам йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Баҳс-мунозаралар чоғида улар "оммавий маданият", интернет ахборотлари, уяли алоқа воситалари орқали берилаётган турли видеолавҳалар таъсирининг олдини олишга доир фикр-мулоҳазалар билдиришди.

**Юсуф ЖУМАЕВ.**


**«KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Суд департаментининг Суд қарорларини ижро этиш бошқармаси томонидан тақдим қилинган Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 05.03.2012й.даги ЖСХ-1-69/12-сонли ижро варақасига асосан, "Экокимёбиосервис" МЧЖга тегишли қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1) Бошланғич нархи – 1 192 050 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Ивлиева кўчаси, 14-уй манзилида жойлашган, 2 қаватли битта бинодан иборат, бинонинг умумий майдони 748,0 кв.м., ертўласи ва 3-қавати ҳужжатсиз қурилган, конструкция тури гиштли – "Меҳмонхона" бино-иншоотлари;

2) Бошланғич нархи – 4 075 660 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 5-А уй манзилида жойлашган, ер участкасининг умумий майдон 4611 кв.м., фойдали майдони 1782,2 кв.м., конструкция тури гиштли, шлакоблокли, 4 та бино ва 2 та ҳовузи мавжуд "Чойхона" (Сабо тўйхонаси) биноси;

3) Бошланғич нархи – 1 506 820 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси, 62-уй манзилида жойлашган, бинонинг умумий майдони 836 кв.м., 3 қаватли бинонинг 1-қаватининг бир қисми, конструкция тури – гиштли, каркасли, "Маиший хизмат курсатиш" бино иншоотлари;

4) Бошланғич нархи – 2 808 670 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Чангалзор-Мавзук кўчаси, 3-уй манзилида жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 15844 кв.м., фойдали майдони 2898,3 кв.м., 15 та биноли, конструкция тури – гиштли, шлакоблокли, "Ишлаб чиқариш ҳудуди" бино иншоотлари.

Аукцион савдолари 2012 йилнинг 11 май куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Юқорида кўрсатилган мол-мулклар 2012 йилнинг 11 май куни сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2012 йилнинг 1 июнь куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк"нинг Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001, МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 18.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: № 0039.

**«KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Такроран аукцион савдосига Миробод тумани СИБ томонидан 18.07.2011 йилдаги № 11980/22-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 3-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 136 кв.м бўлган 5 хонали кўчмас мулк – нотураржой қўйилмоқда, бошланғич нархи – 210 255 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йилнинг 27 апрель куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк"нинг Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001, МФО 00425, ИНН 207128747, ОКОНХ 83400 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда соат 18.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.


## САЛОМАТ БЎЛИНГ

# ДАВОСИ ҲАМ, ДАРГОҲИ ҲАМ АЗИЗ

**Бўстонлиқни Ўзбекистоннинг Швейцарияси дейишади. Паркент тоғлари ҳақиқий ҳордиқ маскани сифатида ундан қолишмайди. "Тошкент денгизи" атрофидаги қишлоқлар ҳам табиати мафтункор, ҳавоси, суви кишилар дардига дармон бўлувчи хусусиятга эга жойлардан.**

Вилоят кардиология диспансери шифохонасининг айнан шу ерда жойлашгани бежиз эмас, албатта.

Юрак, қон-томир касалликларини даволашга ихтисослашган бу муассаса бир йўла 90 беморни даволаш имкониятига эга. Шифохонада сўнгги 3 ойда 500 га яқин бемор дардига шифо топди.

Диспансернинг айнан денгиз бўйидалиги, шунингдек, бу ерда малакали шифокорлар меҳнат қилаётгани, аниқ ташхис ва самарали муолажа даволанувчилар ишончини қозонмоқда. Чунончи, сўнгги уч ой давомида уч минг бемор ўз саломатлиги айнан шу ердаги шифокорлар кузатувида бўлишини истаб мурожаат қилди.

Шифохонада бюджет ҳисобидан даволаш билан бирга пуллик хизмат ҳам йўлга қўйилган. Бу муассаса фаолиятини кенгайтириб, хизмат сифатини янада оширмоқда. Хусусан, шифохонани янги, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлашда пуллик хизмат анча қўл келмоқда.

– Шифохонамиз юрак фаолиятини аниқлаб берувчи ускуна билан жиҳозланган, – дейди кардиолог Ҳуббинисо Бекназарова. – Унинг ёрдамида юрак босимни қанчалик кўтара олишини аниқлаш мумкин. Ташҳис қўйишда унинг аҳамияти катта.

Айни кунда бу ерда 11 шифокор беморлар дардига малҳам бўлмоқда. Шунингдек, 35 ҳамширадан 22 нафари олий тоифали.

– Ёшим 78 да. Жуда кўп шифохонаю оромгоҳларда даволаниб, ҳордиқ чиқарганман, – дейди Ниёз Мирзақулов. – Бу ердаги табиий муҳит ва шарт-шароитлар ҳам даволаниб, ҳам ҳордиқ чиқариш имконини бермоқда. "Тошкент денгизи" соҳиллари ва диспансер жойлашган ҳудуд машҳур санаторийлардан асло қолишмайди. Бу ерда қон босими хасталигидан даволанаяпман. Дастлаб келган пайтларимда аҳволим жуда оғир эди, ҳозир эса ўзимни енгил ҳис этаяпман.

– Ҳуббинисо Бекназарова, Шоира Каримова, Қаҳрамон Жабборов каби шифокорлардан миннатдорман, – дейди зангиоталик Рустам Неъматов. – Юракда шамоллаш касаллиги билан келган эдим. Мени илк кўрикдан ўтказган Ҳуббинисо Бекназарова ранг-рўйим, ҳолатимга қараб турибоқ ташҳис қўйдилар. Тиббий текширувларда шу ташҳис тасдиқланди.

Индаллосини айтганда, шифохонадаги муҳит, беморларга муносабат, улар учун яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлар барчага бирдек манзур бўлмоқда. Бу ерда даволанган барча беморлар оиласи бағрига соғайиб, хуш кайфиятда қайтишмоқда.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**



**СУРАТДА:** беморлар серҳаракат машқлар билан ҳам ўз дардларига шифо топадилар.
**Муаллиф олган сурат.**


**"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 11.03.2011 йилдаги 11-1027/25349-сонли ижро варақасига асосан хатланган Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Қўшқўрғон қишлоғида жойлашган 3-хонали дўкон қўйилмоқда. Умумий майдони 83.12 кв.м. Аукцион савдоси 2012 йил 8 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулк 2012 йил 8 май куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 25 май куни бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Савдога қўйилган кўчмас мулк билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ Тошкент шаҳар, "Ипотека банк" АТИБ Шайхонтоҳур филиалига қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050002, МФО 00425, СТИР 207125885. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Телефон: (8-371) 266-80-76.

Лицензия: RR-0052.

ООО "GERMES SANOAT SERVIS", зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Сергелийского района г. Ташкента, расположенное по адресу: ул. Чоштепа дом 381, (ИНН 301831151), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания № 1 от 06.04.2012г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования данного объявления по тел.: 503-70-85.

Утерянный угловой штамп ООО "BRABUS" (ИНН 301458307), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента по адресу: г. Ташкент, Алмазарский район, Каракамыш-2/3, д. 30, выданное разрешительным отделом Чиланзарского РОВД,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

ООО "SHOXRUH BIZNES PLUS", зарегистрированное в инспекции по регистрации субъектов предпринимательства хокимията Учтепинского района г.Ташкента, расположенное по адресу: г.Ташкент, Учтепинский район, м. Чиланзар, кв. 11, ул. Шайхзода, д. 31-А (ОКПО 20346060, ОКОНХ 91514 ИНН 205765677) сообщает об уменьшении с апреля 2012г. размера уставного фонда общества (решение общего собрания участников общества от 02.04.2012г., протокол №3), с 3 240 091 190,62 сум до 3 197 858 290,89 сум.

Миробод тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор Джураева Вазира Джумаевна номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянный ученический билет, выданный Ташкентским юридическим колледжом № 2 в 2010 году на имя Абдумаликова Сардора Акмал ўғли,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянный аттестат O`R-SH № 1103824, выданный в 2010 году школой № 1 Паркентского района Ташкентской области на имя Муборхужаева Олимхужа Мелихужаевича,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянный диплом К № 791534, выданный в 2007 году Ташкентским юридическим колледжом на имя Асланова Фарруха Эргашевича,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

"SARM-MAX" хусусий корхонаси шу ном билан масъулияти чекланган жамиятига айлантирилади ва унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 70-сонли мактаб томонидан 2007 йилда 10-11-синфда ўқиган Маматкулова Нодира Махамаджоновнага берилган O`R-SH № 0759290 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "SHOXRUX INTERNEYSHNL" Учтепинского района (ИНН 300287133), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (согласно Протокола общего собрания № 2 от 03.04.2012г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования данного объявления.

ООО "TEXNO BETON INVEST STROY", расположенное по адресу: г. Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, площадь Х. Алимжана, СБК Западная сторона, 4-подъезд (ИНН 300502885, ОКПО 22058862, ОКОНХ 16140), сообщает о преобразовании в совместное предприятие ООО "AGRO MEGA GROUP".

Правопеемником ООО "TEXNO BETON INVEST STROY", по всем правам и обязательствам является совместное предприятие ООО "AGRO MEGA GROUP". Тел.: 237-53-57.

ООО "DATA INTERSOFT", находящиейся в г. Ташкенте, зарегистрированное в ИРСП Сергелийского района № 003141-06 от 17.08.2011г. (ИНН 301341453, ОКОНХ 14333) сообщает об уменьшении уставного фонда с 6 000 000 сум до 3 000 000 сум. Тел.: (+99897) 537-10-34.

"TURON KERAMIK" МЧЖнинг устав фонди 50 000 000 сўмдан 2 600 000 сўмга камайтирилишини маълум қилади.

Миробод тумани ҳокимлиги ТСРЎИ томонидан 2012 йил 2 мартдаги № 005684-03 реестр рақами билан рўйхатга олинган "AXROR JEON GROUP" масъулияти чекланган жамияти **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар 254-25-02 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

**"SPARETRA" МЧЖ ихтисослаштирилган корхонаси бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

I. Савдога Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туман СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда: 16.12.2011 й., № 2-187-11-сонли ижро ҳужжатига асосан 1978 й. "Ваз 2101", д/р. 10 O 6563 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 829 889 сўм. Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситаси Бўстонлиқ туман Ғазалкент-2 "Мариам Текстиль Сервис" МЧЖ жарима майдонида сақланмоқда. II. Савдога Тошкент вилояти Бекобод шаҳар СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 15.02.2012 й., № 3912-сонли ижро ҳужжатига асосан 1969 й. "Газ 21", д/р. К 3894 ТШ автотранспорт воситаси. 2. 15.02.2012 й., № 3913-сонли ижро ҳужжатига асосан 1976 й. "Ваз 21-011", д/р. 11 K 5047 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 357 000 сўм. Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситалари "Бекободсавдо" МЧЖ омборида сақланмоқда. III. Савдога Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда: 30.01.2011 й., № 929-сонли ижро ҳужжатига асосан 1985 й. "Ваз-2106", д/р. 10 R 354 BA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 5 664 370 сўм. Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситаси Чирчиқ шаҳар ИИБда сақланмоқда. Аукцион савдоси 2012 йил 8 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 2012 йил 8 май куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 25 май куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "SPARETRA" МЧЖ ихтисослаштирилган корхонасининг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20200000104887305002, МФО 00425, ИНН 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Тел.: 266-80-76.

"Respublika Mulk markazi" ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига такроран Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан Бўстонлиқ тумани Ғазалкент-2, "Мариам текстиль Сенвис" МЧЖ жарима майдонида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. "М-412ИЭ" русумли, д/р 11Z8304 бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 18.03.2009 йил, №1-25. Бошланғич баҳоси – 821 702 сўм. 2. "Ваз-2103" русумли, д/р X287AVM бўлган, 1980 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 01.06.2010 йил №69. Бошланғич баҳоси – 2 057 758,8 сўм. 3. "ГАЗ-2417" русумли, д/р 11M0152 бўлган, 1989 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 20.06.2010 й., №158-2010. Бошланғич баҳоси – 1 479 896,7 сўм. 4. "ВАЗ-2101" русумли, д/р 11W8452 бўлган, 1980 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 16.03.2010 й., №1-21. Бошланғич баҳоси – 1 551 548,5 сўм. 5. "ВАЗ-2101" русумли, д/р 11A0487 бўлган, 1974 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 25.08.2009 й., №220/2009. Бошланғич баҳоси – 918 996,8 сўм. 6. "ИЖ-2715" русумли, д/р 10T859AA бўлган, 1985 йил и/ч автотранспорт воситаси, Бўстонлиқ тумани ИИБ Чорбоғ КМБ биноси майдонида сақланаётган, ижро ҳужжати 13.05.2011 й., №1-99. Бошланғич баҳоси – 827 261,9 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 24 апрель куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Такрорий аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 20 апрель куни соат 18.00.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Respublika Mulk markazi" ЁАЖнинг ОАИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. Гувоҳнома № 006231.

"Respublika Mulk Markazi" ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига такроран Бекобод шаҳар СИБ томонидан "Бекободсавдо" МЧЖ омборида сақланаётган "ЗИЛ-130В1" русумли, д/р 11Y267AA бўлган, 1978 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 17.06.2011 й., №7249. Бошланғич баҳоси – 8 542 729,98 сўм.

Аукцион савдосига такроран Янгийўл тумани СИБ томонидан, Янгийўл туман "Ўткир" ХФ жарима майдонида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда: 1. "Ваз-21063" русумли, д/р 11W2694 бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 22.12.2009 й., №436-10. Бошланғич баҳоси – 4 036 367 сўм. 2. "Камаз-5320" русумли, д/р X897OCM бўлган, 1981 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 18.04.2010 й., №6693/3. Бошланғич баҳоси – 19 216 737 сўм. 3. "Камаз-53212" русумли, д/р 10G354AA бўлган, 1986 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 18.12.2010 й., №11694/1. Бошланғич баҳоси – 17 570 475 сўм.

4. "Камаз-53212" русумли, д/р 11E7924 бўлган, 1980 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 18.12.2010 й., №11693/1. Бошланғич баҳоси – 16 195 581 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 24 апрель куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Такроран ўтказиладиган аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 20 апрель куни соат 18.00.

Савдога қўйилган автомототранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Respublika Mulk markazi" ЁАЖнинг ОАИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. Гувоҳнома № 006231.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ

ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА **ОБУНА** бўлинг

Тел: 233-08-34
Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

## XXI аср ва дунё

## САМОЛЁТДА... ИЛОН

**ABC агентлиги Австралияда кичик юк самолёти учувчисининг хонасида илон пайдо бўлгани боис зудлик билан ерга қўнишга мажбур бўлгани ҳақида хабар тарқатди.**



Учувчи Брэйден Бленнерхассет Дарвин аэропортидан ҳавога кўтарилганидан сўнг 20 дақиқалар ўтгач, самолёт асбоблари ўрнашган жойда илон судралиб юрганини кўриб қолди. У хотиржамликни сақлаган ҳолда диспетчер билан боғланди ва аэропортга қайтиб қўнаётганини маълум қилди ва учиш майдонига илон тутувчини чақириш зарурлигини айтди.

Брэйденнинг ҳикоя қилишича, илон унинг ҳаракатларидан, масалан, штурвални у ёки бу томонга бурaганда безовталанган. Самолёт қўниш учун пасая бошлаганида, илон асбоб-ускуналар устидан учувчининг оёқлари остига қулаб тушиб, кулча бўлиб ўралиб олган. Шунга қарамай, Брэйден самолётни оҳиста қўндирди ва секин-аста кабинани тарк этди.

Самолёт бортига кўтарилган илон тутувчи мутахассислар уни дарров топишолмади. Ушбу хабар чоп этиш учун тайёрланаётган пайтда илон ҳали топилмаган, қидирув эса давом этаётганди. Қачонки, илон самолёт бортида қолар экан, учиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Дарвоқе, Австралияда самолёт бортидан илон чиқиш ҳоллари бир неча йилда бир марта юз бериб туради. Жумладан, BBC Newsнинг маълум қилишича, 2009 йилда йўловчи самолётида у қадар катта бўлмаган тўртта бўғма илон йўқолиб қолган эди. Ўшанда йўловчилар бошқа самолётга ўтказилиб, бортга эса махсус тутун билан ишлов берилганди.

## УЧУВЧИСИЗ АППАРАТ ҚУЛАБ ТУШДИ

**Сейшелдаги Махе ороли аэропортида 4 апрель куни Американинг учувчисиз MQ-9 Reaper самолёти қулаб тушди. Мамлакат граждан авиацияси бошқармасида Reutersга шуни маълум қилишди.**

Агентликнинг маълумотига кўра, учувчисиз аппарат аэропортга қўнаётган пайтда қулаган. Қурбон ва жабрланганлар бўлмади. Қизиғи шундаки, 2011 йил декабрда ҳам АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг худди шундай русумдаги самолёти айнан шу аэропортда ҳалокатга учраган эди.

АҚШ бундай самолётлардан ҳудудларни разведка қилиш ва қўриқлашда мунтазам фойдаланади. Расмий хабарларга қараганда, Сомали денгиз қароқчилари хатти-ҳаракатларини кузатишда қўлланилади.

Сейшел ҳукуматининг ўзи Сомали қароқчиларидан ҳимоя сўраб АҚШга мурожаат қилди. Негаки, ўзлари қароқчиларга бас келишолмайди.



## ТЕАТРДА БОМБА ПОРТЛАДИ

**Сомали пойтахти Могадишо миллий театрида террорчи аёл белига боғлаб олган бомбани портлатиб юборгани баён этилади AFP агентлиги тарқатган хабарда.**



Ушбу агентлик портлаш оқибатида камида тўрт киши ўлди деса, Reuters ўлганлар олти киши деб ёзади. Associated Pressнинг маълумотларига кўра эса қурбонлар ўн кишига етган. Бундан ташқари, AFPнинг маълум қилишича, қурбонлар орасида Сомали миллий олимпия қўмитаси ҳамда футбол федерацияси раҳбарлари ҳам бор.

Теракт учун жавобгарликни "Ал-Шабааб" ислом гуруҳларидан бўлган исёнчилар ўз зиммаларига олдилар. Ташкилот вакили воқеани шарҳлаб шундай деди: "Биз нопок вазирлар ва қонун чиқарувчиларни нишонга олган эдик, бугун улар қурбонга айланишди".

Портлаш мамлакат бош вазири Абдували Муҳаммад Али театр саҳнасида туриб, йиғилганларни миллий ер йўлдоши телевизион тармоғи иш бошлагани билан қутлаётган чоғда юз берди. Унинг ёнида етти нафар вазир ҳам турган эди. Бироқ, саҳнадагилардан ҳеч ким жабрланмади.

"Ал-Шабааб" исёнчилари Магадишода тез-тез портлаш содир этиб туришади. Шулардан энг йириги 2011 йил октябрда юз берди. Ўшанда портловчи қурилма ўрнатилган автомобиль ҳукумат биноларига келиб урилиб, камида 82 кишининг умрига зомин бўлганди.

## ХАЛҚАРО ҚИЗИЛ ХОЧ БИНОСИ ЁНИБ КЕТДИ

**Сириянинг Хомс шаҳрида 4 апрель куни Халқаро Қизил хочнинг маҳаллий бўлими – Халқаро Қизил ярим ой ҳаракати биноси бутунлай ёниб кетди. Reuters ташкилот вакилларига таяниб шу хабарни тарқатди.**

Ёнғин сабаблари ҳақида бир-бирига қарама-қарши маълумотлар келтирилмоқда. Бир тахминга қараганда, инсонпарварлик ҳаракати биноси қўшни тумандаги артиллериядан ўққа тутиш сабабли ёниб кетган. Бироқ, Қизил ярим ой ҳаракатига яқин манбалардан бири бинони қўпорувчилар ёқиб юборганини айтди. Агентлик суҳбатдоши разил ниятлилар бу бинода кимлар жойлашганини яхши билишган деди.

SANA давлат агентлиги бутун айбни "террорчи гуруҳлар" зиммасига юклади. Сурия ахборот агентлигининг маълум қилишича, ёнғиндан ҳеч ким жабрланмаган.

Кейинги ойларда Хомс шаҳрида ҳукумат қўшинлари билан исёнчилар ўртасида қақшатқич жанглар бўлиб ўтди. Халқаро Қизил хоч қўмитасига Сурия ҳукумати Хомсга киришга рухсат бергани 1 март куни маълум бўлди. Ташкилот вакиллари Хомс қамали чоғида энг кўп жабр кўрган Баб-Амро туманига 2 март куни киришди.

Сурия президенти Башар Асад қўшинлари билан мухолифат тарафдорлари ўртасидаги жанглар бир йилдан зиёд вақтдан бери давом этаяпти. БМТнинг ҳисобига қараганда, шу орада камида 9 минг киши ҳалок бўлди.



## ПЕНСИОНЕР ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛДИ

**77 ёшли пенсионер Димитрис Христоулас пенсияларни қисқартиришдан норози эканлигини билдириш мақсадида ўзини ўлдирганидан сўнг Афинада тартибсизликлар бошланганини маълум қилди BBC News.**



Дмитрис Синтагманинг одам гавжум майдонида ўзини отиб ўлдирди. Ўлими олдидан ёзиб қолдирган хатида ҳукуматни иқтисодий таназзулга қарши дастур доирасида пенсияларни қисқартирганликда айблади. "Мен ахлат идишларини титкиламай, ўз ҳаётимни муносиб яшаб ўтишнинг бошқа йўлини кўрмаяпман" деб ёзади у.

Ўша куни кечқурун парламент биноси олдида бир неча юз норози кишилар тўпланди. Улар полициячиларга ёндирувчи суюқлик жойланган шишалар улоқтиришди. Бунга жавобан тартиб қўриқчилари кўздан ёш оқизувчи газ қўлладилар. Жабрланганлар ва ҳибсга олишлар ҳақида маълумот берилмади.

Греция парламенти 2012 йил 12 февралда бюджет харажатларини қисқартиришга оид иқтисодий инқирозга қарши режа қабул қилди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ яқин уч йил ичида давлат хизматчиларидан 15 минг киши қисқартирилади. Шунингдек, пенсия ва иш ҳақлари ҳам пасайтирилади.

Маълумотларга қараганда, режа эълонидан сўнг одамлар орасида руҳий зўриқиш ва ўз жонига қасд қилиш ҳоллари кўпайган.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

# БУВИМНИНГ ГУЛЛАРИ

## (Ҳикоя)

Гуллар – бувимнинг жону-дили. Кузда райҳон, жамбил, намозшомгул, гулхайриларнинг уруғини қуритиб, асрайдилар. Дадам "Бир парча қоғозга уларнинг номини ёзиб, ичига ташлаб қўйиш керак", десалар бувим ранжийдилар:

– Ўзинг болаларингни ҳеч чалкаштирасанми?

Қуёш йилт этса, бувимни гулзордан топасиз. Қуриган шох-барглардан тозалайдилар, ўтаб, теша чопиқ қиладилар. Биронта гул қийшайса, ёғоч суқиб, тахтакачлайдилар. Бувимнинг азон паллада гуллари билан ҳол-аҳвол сўрашиб ўтирганларини ҳам кўрганман. Шохи синса ёки қовжираб қолса, куюниб, индамас бўлиб қоладилар.

Эрта баҳорда пўстакдек жойга гул уруғи сепиб, униб чиққач, келганларга даста-даста улашаверадилар. Бир куни кўчада тоғлик Нурали тоғамнинг мотоцикли тўхтади. Дарвозани очмоқчи эдим, амаким кўнмадилар:

– Шошиляпман, жиян. Сенга бир илтимос бор.

Амаким каклик овигами, тоғ сайлигами, доим мени бирга олиб чиқадилар. Амакимнинг айтишларича, қизлари Зарифа "Бувимнинг гуллари" мавзусида иншо ёзиб, мактабда биринчи ўринни эгаллабди.

– Қисқаси, гап бундай, – деди амаким. – Бир даста гулни пешингача Зарифа синглингга етказиш керак. Шаҳарда зарур ишим бор. Гулларни сен автобусда олиб кетасан. Мен кечроқ бораман. Эрта билан овга чиқамиз.

Бувим минг айланиб, менга бир қучоқ гул билан халтада қурт, майиз, туршак тутқаздилар. Амаким автобусга чиқариб қўйдилар. Салонда ўтирганлар менга бир қараб олишди.

– Одатда ҳамма тоғдан қучоқ-қучоқ лола таширди. Сен гул савдосини тоғдан бошлапсан-да, – деди бир киши.

Ўзимни эшитмаганга олиб, орқароққа жойлашдим.

Кейинги бекатларда автобус одамга тўлди. Ёш болали бир аёлга жой бўшатдим.

– Бирам чиройли гуллар эканки! Хушбўй ҳидини қаранг. Жон деб ушлаб ўтирар эдим-ку... – деди аёл афсусланиб.

Гулларимни бошқа кампир олди. У ҳам ҳовлисидаги гулларини таърифлай кетди. Хаёлимда ҳамма менга қараб, устимдан кулаётгандек туюларди. Бундан кўра от ёки эшак аравада кетганим яхши эди!

Бир пайт автобуснинг орқа эшигидан бир киши беш-олтита асалари уяларини ортди. Йўловчилар норозилик билдирган эдилар, ҳайдовчи деразадан носини туфлаб, "бизда плон катта" деб қўйди.

Юк тахлангунча, мен пастда турдим. Автобус юрай деганда уч-тўрт зиёратчи автобусга илашди. Мен бир оёқда зўрға турардим.

Ҳайдовчи ўнг томонидаги капгирдек ойнадан кузатиб ўтирган экан.

– ГАИ пости яқин, эшик ёпилмаса, мени жазолайди, – деди ғўлдираб.

Автобуснинг имиллашига мен сабабчидек, одамларга "жон" кирди:

– Булардаклигимизда ўн чақирим жойга қанор қопни орқалаб кетаверар эдик.

– Тоғни урса талқон қиладиган забардаст йигит гул кўтариб юрса-я!

– Безбетлик ҳам эви билан-да, Полвон!

Мен автобусдан сакраб тушиб қолдим.

**Муҳайё ТЎЛАГАНОВА.**

## ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

# БОЛАФУРУШЛАР

Санжар (мақола қаҳрамонларининг исм-шарифлари ўзгартирилган) болалигини сира эслагиси келмайди. Ота-она соғинчи билан ўтган йилларни ёдга олиш унга азоб беради...

8 Март байрами арафаси эди. Тарбиячи болаларга гулчамбар ясашни топширди. Болалар чуғур-чуғур қилишиб, бир нималарни ясай бошлашди. Ҳамма ўзича рангли қоғозларни, сунъий гулларни ёпиштирар, Санжар эса нимани, ким учун тайёрлашни ўзи ҳам билмай, маҳзун хаёл сурарди. Кўчада онасининг қўлидан тутиб бораётган, дадасига кўтаринг дея хархаша қилаётган болаларни кўрганида уларга ҳаваси келади. Баъзида хўрлиги келиб, ҳўнг-ҳўнг йиғлайди. Бу гал ҳам уни тарбиячиси овутди. Яхши гаплар билан эркалади, кўнглини кўтарди. Бироқ Санжарнинг юраги аллақачон музлаб улгурган. Уни она меҳригина эритишга қодир...

Йиллар ўтиб, Санжар улғайди. Энди у аввалгидек, юмшоқ кўнгил эмас, сал нарсага кўзёш қилавермайди. Онасини кутиб яшаётганлар, меҳр-эътиборга ташна жажжи қалблар унинг дийдасини қотиргандек.

Санжар бир амаллаб коллежни тугаллади. Гоҳ қоқилиб, гоҳ йиқилиб, синовларда ўзини ўнглаб олиб, ишга жойлашди. Дўст, таниш-билиш орттирди. "Ҳаётимни изга соламан, мақташга арзигулик оила қураман" деб юрган Санжарнинг орзу-ниятлари Хуснорани кўрди-ю, ўзгарди.

Асли жиззахлик қиз Олмалиққа қандай қилиб келган, мақсади нима эканини ҳеч ким билмайди. Устига-устак ота-онаси турмушга чиқмаган қизни ишлашга ёлғиз юборишгани ажабланарли.

Хуллас, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, кўз уриштиришлар, яширин учрашувлардан чарчаган икки ёш қонун-қоидаю расмиятчиликларни унутиб, бирга яшай бошлашди. Бир қарашда улардан бахтли одам йўқдек. Аммо, ҳис-туйғулар пойдеворигагина қурилган оила мувозанатни йўқотмай, мустаҳкам тура олармикан?

2011 йил 22 июлда Санжар ва Хуснора фарзандли бўлишди. Ота-она унга Жасур деб исм қўйишди. Бироқ, бундан улар хурсанд эмас, қовоқлари солинган. "Сарф-харажатлар кўпаядиган бўлди, бу болани қандай боқамиз" ўйлади Хуснора. "Ўзи ижарада яшасак, аксига менам, Санжар акамам ишламаяпмиз, нима еб, нима ичамиз, туғмасам бўлар-ди шуни" кўнглидан ўтказди у. Яхшиямки, уй эгаси Махсума аянинг қизлари бор экан. Кўплашиб, кўмаклашиб, Хуснорани туғуруқхонадан олиб чиқдилар. Уйга келгач, кичкинтойга меҳрибонлик қилдилар. Махсума аянинг ўртанча қизи Гулнинг Жасурга меҳри тушиб, ҳар куни ундан хабар олиб турди.

Шундай кунларнинг бирида Гул эрталабдан эшик қоқди. Гулнинг онаси уни бир чеккага тортиб, бола касал бўлиб қолганини, Хуснора унга қарашни эплолмаётганини айтди. Агар яхшироқ, тирноққа зор оила бўлса ота-она болани бериб юбормоқчи эканларини ҳам таъкидлади. Гул бу гапни илиб олади-ю, дугонаси Самирага етказади. Самира турмуш ўртоғи Ражаб билан маслаҳатлашди. У дарҳол Гулга қўнғироқ қилиб, болани асраб олишларини айтди.

Қизиқ, ахир Ражаб ва Самиранинг тўрт фарзанди бор. Уларга бу бола нега керак бўлиб қолди? Ҳа, улар мўмай пул ишлашни режа қилишгандир-да. Негаки, бола эвазига отаси пул сўрагач, Ражабнинг фикри ўзгариб, бошқа бир оилани излашга киришди. Кун ўтиб Ражаб яна Гулни йўқлади ва "бир яхши оилани топдим, улар бола учун 800 АҚШ доллари бермоқчи деди. Гул Ражабга бу нарх Санжарга тўғри келмаётганини, "устига яна 200 АҚШ доллари қўшса ота розилигини" айтди.

Кейин Ражаб таниши Холбекага қўнғироқ қилди, вазиятни тушунтирди. Гап орасида ўн беш кунлик ўғил бола чақалоқ 1000 АҚШ доллари туради, деди. "Холбека, сен уларга 2000 АҚШ доллари дегин, шунда 300 долларни ўзингга оласан, 300 менга, қолган 300 ни ўртадаги одамга, 100 ни эса таксичига берамиз" деб уқтирди.

Беш қўл баробар эмас деганлари айни ҳақиқат. Холбека ва "харидор" дугонаси Гулзора бу иш жиноят эканини англаб, тегишли идорага мурожаат қилиш лозимлигини ўйлашади...

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари тезкор ҳаракат билан болафурушларни жиноят содир этаётган вақтларида қўлга олишди.

Санжар "менинг ҳам бошимда фарзандим дегувчиларим бўлганида, бу қинғир кўчаларга зинҳор кирмас эдим" дея кўнглидан ўтказди... Тўғри, унинг бу аҳволга тушишига энг аввало ота-онаси айбдор. Улар фарзандларига ҳавас қилса арзигулик ҳаёт тақдим этганларида, жигаргўшаларини ўзлари тарбия қилганларида, Санжар ҳам рисоладагидек фарзанд, ибратли ота бўларди балки.

Шундай бўлсада, Санжарнинг ўз ота-онасини айблашга ҳаққи йўқ. Ахир у ҳам ота бўла туриб, ўз фарзандига шундай тақдирни раво кўрди. Фарзандини сотишдек инсонга бегона бўлган тубанликка қўл урди. Эртага фарзанди ҳам у каби оғринишини, қалби ўксишини ўйламади.

Жиноятчиларга қилмишларига яраша жазо берилди. Суд Санжар Мелиев, Ражаб Салоҳиддиновга 10 йил, Холбека Холжонова ва Гул Туробовага 8 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади. Уларнинг жиноий қилмишларига шерик бўлган Зариф Заифов эса 9 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этилди.

**Ирода НОРБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

## БИЛАСИЗМИ?

## СУВГА ДОИР ЯНГИ ТАРТИБ

Буюк Британияда сувни тежашга доир янги тартиб жорий қилинди. Синоптикларнинг фикрича, бу йилги ёз фасли ҳар галгидан иссиқ келиши ҳамда ёғингарчилик кам бўлиши кутилмоқда. Мазкур чекловга кўра, энди боғларни ва майсазорларни суғориш, ҳовуз ва фаввораларни сув билан тўлдириш ман этилади. Автомобилларни ювишда ҳам сувдан оқилона фойдаланиш лозим. Бунга амал қилмаганлар жаримага тортилади.

Айни кунларда мамлакатдаги сув таъминотига ихтисослашган етти компания мазкур чеклов ижросини таъминлашга доир қатор ишларни амалга оширмоқда. Сувдан оқилона фойдаланишнинг бундай йўли оби ҳаёт исрофгарчилигини ўн фоизга қисқартиради.

**ЎзА.**


## ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

**«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНИНГ «ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ АҲОЛИМИЗНИНГ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШ, МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ БОШҚАРИШ ВА ТИНЧЛИГИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН МАГИСТРАЛ АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИ ТАРМОҒИ МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШИНГИЗНИ СЎРАЙДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сон қарори билан тасдиқланган "Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қоидалари"га мувофиқ магистрал алоқа линияларининг муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жумладан:

рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;

магистрал алоқа кабель линиялари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;

магистрал алоқа кабеллари ўтган жойларни кўрсатувчи огоҳлантириш устунларини ва белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, синдириш, кўмиб юбориш;

турли хил қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;

магистрал алоқа кабель линиялари муҳофаза зонасида қудуқлар қазиш, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;

турли хил чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш;

магистрал алоқа кабель линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш **ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ.**

**Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш, қурилиш ва бошқа ишларни қатъий равишда ФАҚАТ АЛОҚА ХОДИМЛАРИНИНГ НАЗОРАТИ ОСТИДА амалга ошириши лозим.**

**АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ! ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!**

**Алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида алоқа ходимларининг назоратисиз ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш ва бошқа ишларни бажариб алоқа кабелларини узилишига ёки уларга шикаст етказилишига йўл қўйган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ёки жисмоний шахс қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ва алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарар улардан ундириб олинади.**




Эсда тутинг! Агарда Сизда магистрал алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида қандайдир ер қазиш ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурияти туғилса кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг ва бу масалада "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси "Телекоммуникация транспорт тармоғи" филиалининг ҳудудий Боғламаларига ёки магистрал алоқа кабели трассаси белгисида кўрсатилган Кабель участкаси манзилига мурожаат этинг.

**«Биринчи боғлама» ва линия кабель цехларининг боғланиш телефон рақамлари:**

**"Биринчи боғлама». Тошкент ш., Юнусобод тумани, Қозитарнов кўчаси, 29. Тел.:** (8-371) 234-20-11, 235-36-59, факс: (8-371) 234-20-11 (соат 8.00-17.00).

**Биринчн линия кабель цехи. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 264. Тел.:** (8-371) 265-80-43 (8.00-17.00), (8-595) 155-27-20.

**1-ЛКЦ Тошкент кабель участкаси. Тошкент ш., Яккасарой тумани, Хуштепа 4-тор кўчаси, 4. Тел.:** (8-371) 250-37-45 (8.00-17.00), (8-595) 199-19-34.

**Иккинчи линия кабель цехи. Тошкент вилояти, Янгийўл ш., Чарикова кўчаси, 172. Тел.:** (8-595) 199-19-31, 199-19-32, (8-370) 602-10-25.

**2-ЛКЦ Пахта кабель участкаси. Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Сарсен кўчаси, 30. Тел.:** 798-84-05, (8-595) 199-19-36.

**Учинчи линия кабель цехи. Тошкент вилояти, Тўйтепа ш., Спорт кўчаси, 45. Тел.:** (8-370) 762-11-21 (8.00-17.00), (8-593) 370-38-89.

**3-ЛКЦ Ангрен кабель участкаси. Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, А. Темур кўчаси, 2. Тел.:** (8-593) 183-23-46, (8-370) 662-27-61 (8.00-17.00).

**3-ЛКЦ Бекобод кабель участкаси. Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Ходжимуродов 2-берк кўча, 18-А. Тел.:** (8-595) 177-06-64, (8-370) 912-54-11 (8.00-17.00).



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-442. Адади 12881. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.40. 12345